
Биринчи марта овоз бердим

Туманимизнинг «Ғалаба» кўчасидаги 916-сайлов участкасида ҳам сайлов жараёнлари қизғин давом этмоқда. “Боғи Эрам”, “Оқтепадашт” маҳаллалари аҳли, сайлов жараёнларида фаол иштирок этишмоқда.



Ёруғ ва шинам фойеда сайловчилар учун барча қулайликлар яратилган. Сайловчиларни рўйхатга олиш, овоз бериш кабиналари намунали ташкил этилган. Айниқса, сайловда илк марта иштирок этаётган 94 нафар ёшлар мазкур тайёргарликларни кўриб, албатта ҳайратланишлари, Ватанга муҳаббати чандон ошиши аниқ. Зеро, уларнинг кўзидаги ҳавас барчамизга ғурур-ифтихор бағишлайди.

Худди шундай, сайловларда биринчи марта иштирок этаётган Бахтиёржон Обидов ҳам катта қизиқиш билан овоз берди.



- Илгари сайловда овоз бераётган ёши катта одамларни кўриб, уларга ҳавас қилардим. Биринчи марта овоз бераётганим сабабли, бироз ҳаяжонландим. Тўғриси айтсам, ҳозир ўзимни росмана улғайган, катта бир сиёсий жараён иштирокчиси, деб сезяпман. Депутатликка номзоди кўрсатилган ҳар бир номзоднинг сайловчилар билан учрашувларини кузатиб бордим. Уларнинг таржимаи ҳоли билан тўлиқ танишиб чиқдим,- дейди хусусий тадбиркор Бахтиёржон Обидов- Шундан келиб чиқиб, ўзим танлаган номзодларга овоз бердим.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2019-12-22 19:52:35